“Qashqadaryo texnologik transport”АЖ
акциядорларининг умумий
йиғилишининг 2026 йилнинг 15 июнда
1-сонли қарори билан
“ТАСДИҚЛАНДИ”

“Qashqadaryo texnologik transport” акциядорлик жамиятининг ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Қарши шаҳри – 2026 йил

МУНДАРИЖА

1. Умумий қоидалар
2. Бошқарувни сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини тугатиш тартиби
3. Бошқарув ваколатлари
4. Бошқарувнинг ишлаш тартиби
5. Бошқарувнинг жавобгарлиги
6. Бошқарув меҳнатига ҳақ тўлаш

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1.Мазкур Низом “Qashqadaryo texnologik transport” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда — жамият) ижроия органи мақомини белгилайди ва унинг фаолиятини тартибга солади.

1.2.Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиал ижроия орган — бошқарув томонидан амалга оширилади, унинг ваколатлари жамият устави ва мазкур Низом билан белгиланади.

Ижроия органи кузатув кенгаши, акциядорларнинг умумий йиғилиши, жамият устави ва жамиятнинг ривожланиш режаларида белгиланган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида ўз ваколати доирасида мустақил қарорлар қабул қилади.

1.3.Мазкур Низом жамият устави, Ўзбекистон Республикасининг Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун (кейинги ўринларда — Қонун), 2015 йил 31 декабрдаги №9-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган (2016 йил 11 февралдаги №02-02/1-187-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Корпоратив бошқарув кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. БОШҚАРУВНИ САЙЛАШ (ТАЙИНЛАШ) ВА УНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

2.1.Бошқарув 3 нафар аъзодан иборат бўлади (бошқарув раиси, автотранспорт ва махсус техникаларни таъмирлаш ва бутлаш бўйича жамият бошқаруви раиси ўринбосари ва бош ҳисобчи), улар уч йил муддатга сайланади.

Бошқарув йиғилишида жамият бошқаруви аъзоларининг овозлари тенг бўлиб қолган тақдирда, бошқарув раиси ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга бўлади.

2.2.Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан йиғилишда иштирок этаётган жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган акциядорларнинг кўпчилик овози (оддий кўпчилик) билан амалга оширилади.

2.3.Бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш) жамият кузатув кенгаши томонидан иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан амалга оширилади.

2.4.Жамият бошқаруви аъзоларини сайлаш (тайинлаш), қоида тариқасида, танлов асосида амалга оширилади ва бунда хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин.

2.5.Бошқарув раиси ёки бошқарув аъзоси лавозимига номзод жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳолатлари тўғрисида жамиятни хабардор қилиши шарт.

2.6.Бошқарув раиси ёки бошқарув аъзоси лавозимига муайян номзодни тақдим этар экан, кузатув кенгаши раиси меҳнат шартномаси тузиш шартлари, иш ҳақи, бошқарув фаолияти учун мукофот ва компенсациялар миқдори, шунингдек номзоднинг шахсий аризаси билан тасдиқланган шартнома тузишга розилиги ҳақида ахборот беради.

2.7.Жамият бошқаруви раиси лавозимига номзод ўз номзоди кўриб чиқилаётганда акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши мумкин.

Жамият бошқаруви аъзолигига номзодлар ҳам ўз номзодлари кўриб чиқилаётганда кузатув кенгаши йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

2.8.Бошқарув раиси ёки бошқарув аъзоси лавозимига номзод сайланган (тайинланган)идан сўнг кузатув кенгаши у билан бошқарув раиси ёки бошқарув аъзоси вазифаларини бажариш учун бир йил муддатга шартнома тузади ҳамда ҳар йили уни узайтириш ёки бекор қилиш имконияти тўғрисида қарор қабул қилади.

Жамият номидан шартнома кузатув кенгаши раиси ёки жамият кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Бошқарув раиси билан тузиладиган шартномада жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича унинг мажбуриятлари, шунингдек жамиятнинг йиллик бизнес-режаси бажарилиши тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига ҳисобот бериш даврийлиги назарда тутилиши лозим.

2.9.Жамият бошқаруви раиси ва аъзоларининг вазифаларини бошқа ташкилотлар бошқарув органларидаги лавозимлар билан қўшиб олиб боришига фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

2.10.Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамият бошқаруви раиси томонидан шартнома шартлари бузилган тақдирда у билан тузилган шартномани бекор қилиш (тугатиш) ҳуқуқига эга.

2.11. Кузатув кенгаши жамият бошқаруви аъзолари томонидан шартнома шартлари бузилган тақдирда улар билан тузилган шартномани бекор қилиш (тугатиш) ҳуқуқига эга.

2.12. Жамият кузатув кенгаши жамият уставининг қўпол равишда бузилиши ёки бошқарув раиси ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида жамиятга зарар етказилган тақдирда жамият бошқаруви раиси билан тузилган шартномани муддатидан олдин бекор қилиш (тугатиш) ҳуқуқига эга.

2.13.Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бошқарув раиси билан тузилган шартномани бекор қилиш (тугатиш), шунингдек жамият кузатув кенгаши томонидан бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани бекор қилиш (тугатиш) тўғрисидаги қарор оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

2.14.Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан бошқарув раиси ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, жамият

бошқаруви раиси ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш масаласи шу йиғилишнинг ўзида ҳал қилиниши ёки жамият бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқиндаги умумий йиғилиши муҳокамасига қолдирилиши мумкин.

2.15.Жамият бошқаруви раиси ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган жамият кузатув кенгаши жамият бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек жамият бошқаруви раиси масаласини ҳал қилиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.

3. БОШҚАРУВ ВАКОЛАТЛАРИ

3.1.Жамият бошқаруви ваколатига акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамият кузатув кенгаши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно, жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш билан боғлиқ барча масалалар киради.

3.2.Бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчилик, жамият устави ҳамда уларнинг ҳар бири билан жамият ўртасида тузилган шартнома билан белгиланади.

3.3.Жамият бошқаруви акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши қарорлари ижросини таъминлайди.

3.4.Жамият бошқаруви раиси ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятлари:

- ўз ваколатлари доирасида жамият фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- ишончномасиз жамият номидан ҳаракат қилиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифода этиш;
- жамият номидан ишончномалар бериш;
- ўз ваколати доирасида жамият номидан битимлар тузиш;
- ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий таъсир чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш;
- филиаллар ва ваколатхоналар раҳбарларини тайинлаш;
- штат жадвалини тасдиқлаш;
- барча ходимлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- банкларда миллий ва хорижий валютада ҳисоб-китоб ҳисобварақларини очиш;
- банк ва молиявий ҳужжатларда биринчи имзо ҳуқуқига эга бўлиш;

• тегишли давлат органларига статистик ва бухгалтерия ҳисоботларининг тўлиқ ҳамда ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

• ходимлар учун ижтимоий кафолатлар ва хавфсиз меҳнат шароитларига риоя этилишини таъминлаш.

Бошқарув раиси Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жамият устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.5.Жамият бошқарувининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятлари:

• ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол-мулки ва пул маблағларини тасарруф этиш;

• жамият таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни ва жамият ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

• акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши ваколатига киритилган ички норматив ҳужжатлар бундан мустасно, жамиятнинг ички норматив ҳужжатларини тасдиқлаш;

• филиаллар ва ваколатхоналар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар, буйруқлар ва фармойишлар чиқариш;

• филиаллар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш;

• жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

• бизнес-режада назарда тутилган миқдорда жамият томонидан фойда олинишини таъминлаш;

• жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, тегишли ҳолатда юритилиши ва ишончлилигини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа ахборот олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;

• кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки жамият аудитори талаби бўйича жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятига оид ҳужжатларни тўсиқсиз тақдим этиш;

• мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ёки сотиб олиш билан боғлиқ, ёхуд уни бошқа шахсга ўтказиш имкониятини назарда тутувчи битимларни тузиш (агар бошқарув аъзолари якдил қарорга келмаса, мазкур битимни тузиш масаласи кузатув кенгаши қарорига киритилади);

• жамиятнинг хизмат ва тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар сақланишини таъминлаш;

• дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя этиш;

• жамиятнинг самарали ва барқарор фаолият юритишини таъминлаш;

• амалдаги қонунчилик, қонуности ҳужжатлари ва жамият ички норматив ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Бошқарув Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жамият устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4. БОШҚАРУВ ИШ ТАРТИБИ

4.1.Жамият бошқаруви йиғилишлари заруратга қараб, лекин ойига камида бир марта ўтказилади.

Бошқарув томонидан кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига киритиладиган масалалар мажбурий тартибда дастлаб жамият бошқаруви йиғилишида муҳокама қилинади.

Жамият бошқарувининг нуқтаи назарини кузатув кенгаши йиғилишида ва акциядорларнинг умумий йиғилишида бошқарув раиси ёки у ваколат берган бошқарув аъзоси маълум қилади ҳамда ҳимоя қилади.

4.2.Жамият бошқаруви йиғилишини бошқарув раиси ёки кўриб чиқилаётган масалаларга тааллуқлилиги бўйича унинг ўринбосарларидан бири олиб боради.

4.3.Жамият бошқаруви котиби жамият бошқаруви йиғилишлари баённомаларини юритишни ташкил этади.

Бошқарув йиғилишлари баённомаларидан кўчирмалар:

• кузатув кенгаши раҳбари ва тафтиш комиссияси раҳбарига мажбурий тартибда;

• бошқа мансабдор шахслар ва аудитор сўровига кўра фақат бошқарув раиси рухсати билан;

• қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахслар ва органларга (шу жумладан давлат органларига) берилади.

5. БОШҚАРУВНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1.Бошқарув аъзолари ўз вазифаларини профессионал асосда, қонунчилик, жамият устави ва жамият бошқарув органлари қарорларидан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни оқилона бажарган ҳолда амалга оширадилар.

Бошқарув раиси ва бошқарув аъзоси ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

5.2.Жамият бошқаруви раиси ва аъзолари мазкур лавозимда ишлаган даврда фаолияти жамият маҳсулотларини сотиш ёки жамият томонидан хизматлар кўрсатишга тўсқинлик қиладиган корхоналарни таъсис этиш ёки уларни таъсис этишда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

Бошқарув раиси ва аъзолари жамиятдаги лавозимга тайинланган пайтдан бошлаб ўхшаш корхоналардаги иштирокини тўхтатиб туриши ҳамда бу ҳақда жамият кузатув кенгашини хабардор қилиши шарт.

5.3.Жамият бошқаруви раиси ва аъзолари ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида жамиятга етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва жамият уставига мувофиқ жамият олдида тўлиқ моддий жавобгар бўладилар.

5.4.Бунда овоз беришда иштирок этмаган ёки жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга қарши овоз берган бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

5.5.Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган акцияларининг камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарни қоплаш тўғрисида жамият бошқаруви раиси ва бошқарув аъзосига нисбатан судга даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

5.6. Бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари ўз вазифаларини амалга оширишда қуйидаги фидуциар мажбуриятларга риоя қилиши шарт:

- вазифа ва мажбуриятларини виждонан бажариш;
- жамият ва акциядорлар манфаатларини устувор деб ҳисоблаш;
- жамият мол-мулкидан шахсий манфаатларда фойдаланмаслик;
- жамият бизнес имкониятларидан шахсий ёки бошқа шахслар манфаати учун фойдаланмаслик;
- жамиятнинг асосий фаолиятига ўхшаш тадбиркорлик фаолиятини жамиятнинг тегишли бошқарув органлари розилигисиз амалга оширмаслик;
- махфий ахборотни ошкор қилмаслик;
- қарор қабул қилиш эвазига моддий қимматликлар олмаслик ёки мулкий манфаатдор бўлмаслик.

5.7. Бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари фидуциар мажбуриятларни бузиши натижасида жамиятга етказилган зарар учун қонунчилик ва жамият ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

6. БОШҚАРУВ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ

6.1.Бошқарув меҳнатига ҳақ тўлаш доимий ва ўзгарувчан қисмлардан иборат бўлади.

6.1.1.Меҳнатга ҳақ тўлашнинг доимий қисми қуйидагиларни ўз ичига олади:

Лавозим маоши — бу бошқарув ходимларига меҳнат вазифаларини белгиланган вақт мобайнида бажарганлиги учун компенсация, рағбатлантирувчи ва ижтимоий тўловлар ҳисобга олинмаган ҳолда тўланадиган иш ҳақи таркибидаги пул тўлови миқдори.

ишланмаган вақт учун тўловлар — Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 175-моддасига мувофиқ назарда тутилган ва белгиланган тартибда ҳисобланадиган тўловлар;

• ҳар йилги асосий меҳнат таътилини бериш, шунингдек ундан фойдаланилмаган тақдирда, жумладан ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда пул компенсацияси тўлаш;

• ҳар йилги асосий меҳнат таътилидан фойдаланилмаганлиги учун ҳамда ходимлар билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда пул компенсацияси тўлаш;

• компенсация тўловлари — Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 174-моддасида назарда тутилган ва белгиланган тартибда ҳисобланадиган тўловлар;

• ноқулай табиий-иқлим шароитига эга ҳудудларда ишлаш билан боғлиқ қўшимча тўловлар (иш стажи учун устамалар, баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун белгиланган коэффициентлар бўйича тўловлар);

• технологик жараён графигида назарда тутилган тунги вақтда ишлаганлик, иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкалари ва лавозим маошларига қўшимча ҳақ ва устамалар;

• кўп сменали иш режимида ишлаганлик, шунингдек касблар ва лавозимларни қўшиб бажарганлик, хизмат кўрсатиш ҳудудини кенгайтирганлик, бажарилаётган ишлар ҳажмини оширганлик, асосий иш билан бир қаторда вақтинча йўқ ходим вазифаларини бажарганлик учун устамалар;

• хизмат сафарлари вақтида қонунчиликда белгиланган меъёрлардан ортиқ суткалик тўловлар;

• овқатланиш ва йўл чипталари қиймати ёки овқатланиш ва йўл чипталари харажатларини қоплаш.

6.1.2.Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўзгарувчан қисми қуйидагиларни ўз ичига олади:

• рағбатлантирувчи хусусиятга эга тўловлар — Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 173-моддасида назарда тутилган тўловлар;

• моддий наф тарзидаги тўловлар — Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 177-моддасида назарда тутилган тўловлар.

Мазкур тўловлар ҳар чораклик ҳисоботлар асосида кузатув кенгаши қарорига мувофиқ тўланади.

Ижроия органи ҳисобот даври учун жамият фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларининг бажарилиши тўғрисида меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўзгарувчан қисмини тўлаш ҳақида қарор қабул қилиш учун белгиланган муддатларда кузатув кенгашига ҳисобот тақдим этади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўзгарувчан қисми ташкилотнинг ваколатли бошқарув органи томонидан белгиланган ва тасдиқланган асосий самарадорлик кўрсаткичлари (КПЭ) бажарилишига мутаносиб равишда тўланади. Бундай орган кузатув кенгаши ҳисобланади, у мавжуд бўлмаган тақдирда эса — юқори

бошқарув органи (хўжалик жамиятлари учун) ёки муассис (давлат корхоналари учун) ҳисобланади.

Асосий ва қўшимча самарадорлик кўрсаткичлари ҳисобот йили бизнес-режасида келтирилади.

КПЭни ҳисоблаш учун ахборот манбаи сифатида ташкилотда мавжуд бўлган қуйидаги маълумотлар хизмат қилади:

- бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари;
- давлат органларига тақдим этиладиган ҳисоботлар (молиявий, статистик, солиқ ва бошқалар);
- бизнес-режа;
- белгиланган тартибда олинган ёки ишлаб чиқилган бошқа материаллар.

Ташкилот КПЭни ҳисоблаш учун ташкилотни (консультантни) жалб қилиш ҳуқуқига эга.

КПЭ ҳисоб-китобларининг тўғрилиги ва ишончлилиги ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

КПЭ ҳисоб-китоблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ 3а ва 3б-иловаларда белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади.

Ташкилотнинг ваколатли бошқарув органи жамият фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, бу ҳақда Марказни хабардор қилган ҳолда, КПЭни ҳисоблашнинг бошқа қоидаларини қўллаш ҳуқуқига эга.

КПЭнинг прогноз (мақсадли) кўрсаткичлари ҳар бир давр учун бизнес-режада унинг ажралмас қисми ҳисобланган алоҳида илова сифатида акс эттирилади.

КПЭнинг прогноз (мақсадли) кўрсаткичлари ташкилотнинг ваколатли бошқарув органи (кузатув кенгаши) томонидан қонунчиликда белгиланган норматив қийматдан паст бўлмаган даражада белгиланади (агар мазкур кўрсаткич учун қонунчиликда норматив қиймат назарда тутилган бўлса).

Агар кўрсаткич учун қонунчиликда норматив қиймат назарда тутилмаган бўлса, прогноз (мақсадли) қийматни аниқлаш учун ташкилот (консультант) жалб қилиниши мумкин.

Ташкилотнинг ваколатли бошқарув органи навбатдаги чорак якунланганидан сўнг КПЭнинг прогноз (мақсадли) қийматларини тузатиш ҳуқуқига эга.

Агар КПЭнинг прогноз (мақсадли) қийматларига киритилган тузатишлар аввал амалга оширилган тўловларни қайта ҳисоблаш заруратини келтириб чиқарса, бундай қайта ҳисоб-китоб мазкур Низомда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Жорий даврда ижроия органи раҳбари ва аъзоларига тўланадиган мукофот пули миқдори бизнес-режада назарда тутилган ижроия органини моддий рағбатлантириш суммасини ўтган давр учун ИКЭга кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ташкилотнинг ваколатли бошқарув органи қарорига кўра, ташкилот фаолияти натижаларини шакллантиришда ижроия органининг ҳақиқий иштирокидан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган тузатув коэффициенти қўлланилиши мумкин.

Ташкилотнинг ваколатли бошқарув органи қарорига кўра, агар ИКЭ ва барча КПЭнинг камида ярмини бажариш фоизи прогноз (мақсадли) қийматдан юқори бўлса, раҳбар ва ижроия органи аъзоларининг мукофот пули миқдори бизнес-режада назарда тутилган мукофот миқдорига нисбатан икки бараваргача оширилиши мумкин.

Агар КПЭнинг ҳақиқий қиймати қонунчиликда белгиланган норматив қийматдан паст бўлса, ваколатли бошқарув органи қарорига мувофиқ ижроия органи раҳбарига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Ташкилотнинг ваколатли бошқарув органи қарорига кўра, ижроия органи фаолияти самарадорлиги қуйидагича эътироф этилади:

- қониқарсиз — агар ИКЭ қиймати 40 фоиздан камни ташкил этса;
- паст — агар ИКЭ қиймати 40 фоиздан 60 фоизгача (шу жумладан)ни ташкил этса;
- етарли эмас — агар ИКЭ қиймати 60 фоиздан 80 фоизгача (шу жумладан)ни ташкил этса;
- ўртача — агар ИКЭ қиймати 80 фоиздан 90 фоизгача (шу жумладан)ни ташкил этса;
- етарли — агар ИКЭ қиймати 90 фоиздан 100 фоизгача (шу жумладан)ни ташкил этса;
- юқори — агар ИКЭ қиймати 100 фоиздан юқори бўлса.

Ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳоламасдан ёки унинг самарадорлиги қониқарсиз ёки паст деб топилган тақдирда ташкилотларда устамалар белгилаш, мукофот пуллари ва бошқа моддий рағбатлантириш чораларини қўллашга йўл қўйилмайди.

Ижроия органи фаолиятининг қониқарсиз ёки паст самарадорлиги (исталган комбинацияда) кетма-кет икки чорак давомида кузатилса, ижроия органи раҳбари билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ташаббуси киритилади.

Аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган текширув натижаларига кўра аввал ҳисобланган КПЭ, ИКЭ ва бажарилиш фоизлари қийматларига зарур аниқлаштиришлар киритилади.

Агар киритилган аниқлаштиришлар натижасида:

• уларнинг қиймати яхшиланиб, тегишли тўловларни қўшимча ҳисоблаш зарурати юзага келса, ташкилот ижроия органи раҳбари ва аъзоларига тўланиши лозим бўлган ижобий фарқ ҳисобот йили якунлари бўйича мукофот тўлаш вақтида ҳисобга олинади;

• уларнинг қиймати ёмонлашиб, ортиқча тўланган маблағларни ушлаб қолиш зарурати юзага келса, ташкилот ижроия органи раҳбари ва аъзоларига аввал тўланган маблағлар бўйича манфий фарқ ҳисобот йили якунлари бўйича мукофот тўлаш вақтида тузатилади ёки қонунчиликда белгиланган тартибда иш ҳақидан ушлаб қолинади ёки бошқа усул билан қопланади.

6.2. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг доимий қисми амалда ишланган вақт учун ойлик асосида ҳамда амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ ҳисобланади.

6.3. Бошқарув меҳнатига ҳақ тўлашнинг ўзгарувчан қисми кузатув кенгаши қарорига мувофиқ, бошқарувнинг ҳар чораклик ҳисоботлари асосида ва локал ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

6.4. Ижроия органи меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўзгарувчан қисми бўйича мукофот тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиниши учун ҳисобот давридаги прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши ҳақида белгиланган муддатларда кузатув кенгашига ҳисобот тақдим этади.

6.5. Хўжалик фаолиятининг асосий натижалари учун бошқарувга мукофот пули барча прогноз кўрсаткичлари бажарилган тақдирда мутаносиб равишда тўланади.

6.6. “Qashqadaryo texnologik transport” акциядорлик жамияти ижроия аппарати бош бухгалтери бошқарувнинг иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш учун жавобгар ҳисобланади.